

Қуръон ўқи, қалбинг хотиржам бўлади



14:05 / 13.08.2021 2025

Қуръони Карим қироатини кўпайтириш, унинг соҳибини ўзи сезмаган ҳолда тарбиялаб қўяди. Шунингдек, иймонини зиёда қилади, қалби хотиржам бўлади, ҳаётдан мамнун бўлади, ризқи билан қаноатлантиради, сўзлари равонлашиб, фасоҳатли бўлади, ҳамда гап-сўзлари нолайиқ сўзлардан холи бўлади, лафв мажлисларини тарк этади, қилиб юрган бекорчи номақбул ишларини ташлайди. Чунки, унинг қалби Қуръон билан ёришган ва нурга тўлган бўлади.

Қатода ибн Диъома исмли олим ҳикоя қилади:

«Басра шаҳрида Утба ибн Абон исмли зоҳид, тақводор, маҳзунликда Ҳасан Басрийга ўхшаган, доим рўза тутадиган киши яшаб ўтган бўлиб, унинг Мисвар исмли кекса бир қўшниси бор эди. Қўрқуви қаттиқлигидан Қуръонни тинглашга бардоши етмасди. Агар унинг олдида Қуръондан бирикки оят ўқилса, қаттиқ қичқириб, бир неча кун ақлини йўқотгандек юрарди. Бир куни унинг ёнига Ҳасъам қабиласидан бир киши келди. Ёнига ўтиргач, Қуръони Каримдаги: **«Тақводорларни Роҳман ҳузурига меҳмон ҳайъати этиб тўплаган кунимизда».**

«Жиноятчиларни жаҳаннамга чанқоқ ҳолларида ҳайдаймиз» (Марям сураси, 85-86 оятлар) оятларини ўқиди. Буни эшитган қария: «Мен

жиноятчиман. Эй қори, ҳозир ўқиган оятлардан яна ўқи», деди. Бояги киши оятларни яна ўқиди. Қария баланд овозда бақриб, «Оҳ!» деди-ю, омонатни топширди».

Аллоҳим Қуръонни қалбларимизнинг нури ва баҳори қилгин!

Изоҳ: *Имом Аҳмад роҳимаҳуллоҳ Қатода ҳақида: «Қуръон тафсири ва уламоларнинг турфа хил қарашларининг билимдони эди» деганлар.*

Манбалар асосида Хуршид Маъруф тайёрлади